



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор.

Шухратбеков Хасанбой Шухратбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича  
таълим олаётган 3-ўқув курси 313-ўқув гуруҳи курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17480132>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> October 2025  
Accepted: 28<sup>th</sup> October 2025  
Published: 29<sup>th</sup> October 2025

### KEYWORDS

Профилактика инспектори,  
хуқуқбузарликлар,  
жабрланувчи, ижтимоий  
реабилитация, ташкилий-  
хуқуқий асослар.

### ABSTRACT

Мақолада профилактика инспекторининг хуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари ҳар томонлама таҳлил этилиб, мазкур йўналишнинг хуқуқий замини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари асосида ёритилади.

Ҳозирги кунда жамиятда хуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатида жабр кўраётган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни қайта ижтимоий ҳаётга қайтариш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Бу жараёнда профилактика инспекторининг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки жабрланувчи шахсларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш чораларини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган “Янги Ўзбекистон” тараққиёт стратегиясида инсон қадрини юксалтириш, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг хуқуқий ҳимоясини кучайтириш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунингдек, “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони ва 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори профилактика инспекторининг хуқуқий мақомини, вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб беради.

Шу билан бирга, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун фуқаролар билан ишлашда, жумладан хуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва улар бўйича чоралар кўриш тартибини белгилаб берувчи муҳим хуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса

профилактика инспекторининг жамоатчилик билан мулоқотда очиклик, шаффолик ва қонун устуворлиги тамойилларига амал қилишини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, психологик ва ахлоқий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада профилактика инспектори фаолияти давлат ва нодавлат ташкилотлар билан тизимли ҳамкорликни, жамоатчилик институтлари билан самарали шерикликни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида ушбу соҳадаги айрим муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича илмий-назарий таклифлар илгари сурилади.

**Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак:**

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар билан ишлаш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш фаолияти мустақкам ҳуқуқий пойдеворга эга бўлиб, у конституциявий, қонунчилик ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу ҳужжатлар инсон қадрини улуғлаш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик ҳимоясини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни белгилаб беради.

### **1.1. Конституциявий асос:**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, зўравонлик ва ғайриинсоний муомалага йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб берилган. Мазкур норма жамиятда инсонпарварлик ва адолат тамойилларини мустақкамловчи асосий ҳуқуқий мезон сифатида хизмат қилади. Шунингдек, у жабрланувчиларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга доир барча соҳавий қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий манбаи вазифасини бажаради.

**1.2. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги асосий қонунчилик базаси:**

2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ–371-сон) соҳадаги асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унинг **3-моддасида** “ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш” тушунчалари ҳуқуқбузарликлардан жабр кўрган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатишни қамраб олувчи чора-тадбирлар мажмуи сифатида изоҳлаб берилган. Шунингдек, **4-моддада** профилактика фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида жабрланувчиларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни жамият ҳаётига қайта мослаштириш белгиланган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши профилактика инспекторларининг фаолиятини инсонпарвар, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишда амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

**2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ–561-сон)** хотин-қизларнинг жисмоний ва

маънавий дахлсизлигини таъминлашда профилактика инспекторларига муҳим масъулият юклатди. Ушбу қонунга мувофиқ, профилактика инспекторлари жабрланувчи хотин-қизларни ҳимоя ордери билан таъминлаш, уларни реабилитация марказларига йўналтириш ва хавфсизлик чораларининг самарали ижросини назорат қилиш вазифасини амалга оширадilar.

**2024 йил 14 ноябрда қабул қилинган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-996-сон)** эса болалар билан ишлашда профилактика инспекторининг ролини янада кучайтириб, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик ҳимоясини таъминлаш механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйди.

### **1.3. Давлат сиёсати ва ижтимоий муҳофаза соҳасидаги Президент фармонлари ва қарорлари:**

Профилактика фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор ҳужжатлари ушбу йўналишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, **2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарор** профилактика хизмати фаолиятини ташкил этиш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва аҳоли билан ишлашдаги мажбуриятлари, ҳуқуқлари ҳамда ваколатларни аниқ белгилаб берди.

2018 йил 2 июлдаги **“Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3827-сонли қарори** ижтимоий реабилитация ва мослаштириш тизимини такомиллаштириш, оилавий-маиший зўравонликнинг олдини олиш чораларини кучайтиришга қаратилган бўлиб, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишнинг институционал асосларини шакллантирди.

**2021 йил 19 майдаги ПҚ-5116-сонли қарор** зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаб, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик механизмларини мустаҳкамлади.

**2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармон** билан тасдиқланган **“Ўзбекистон-2030”** стратегиясида инсон қадрини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди. Бу ҳужжат профилактика инспекторининг ижтимоий функцияларини янада кенгайтириш учун стратегик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**2024 йил 10 майдаги ПҚ-175-сонли қарор** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-175-сонли **“Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга комплекс ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори** мазмунида жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, уларга тезкор, самарали ва инсонпарвар ёрдам кўрсатишнинг ягона тизимини шакллантириш масалалари белгилаб берилган. Унга мувофиқ, ички ишлар органлари, хусусан, профилактика инспекторлари фаолиятида жабрланувчи шахслар билан ишлашда психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдамни бирлаштирган ҳолда, “бир дарча” тамойили

асосида ижтимоий хизматлар билан ҳамкорликда иш юритиш механизми жорий этилди.

**2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори** 2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” мазкур қарор “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилининг мантиқий давоми сифатида жиноятчиликнинг олдини олишда рақамли ечимларни жорий этишга қаратилган. Унга мувофиқ, “**E-ijtimoiy profilaktika**” тизими

“**E-ma'muriy ish**” билан интеграция қилиниши, ижтимоий профилактика тадбирларига оид маълумотлар ягона электрон майдонда юритилиши белгиланди. Шу билан бирга, **ҳимоя ордерини расмийлаштириш ваколоти хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларга, маъмурий баённомалар юзасидан қарор қабул қилиш ваколоти патруль-пост раҳбарларига** берилди. Бу чоралар профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга хизмат қилади.

**2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарори** “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида”.

Мазкур қарор маҳалла даражасидаги ижтимоий профилактика тизимини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда “маҳалла еттилиги” фаолияти самарадорлигини ошириш, “**маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари**”ни **босқичма-босқич жорий этиш**, жанжалкаш ва низоли оилалар ҳолатидан **ҳар уч кунда хабар олиш амалиётини йўлга қўйиш**, аҳоли гавжум жойларда хавфсизлик чораларини кучайтириш вазифалари белгиланди. Шу орқали профилактика инспекторларининг маҳалладаги ҳуқуқий ва ижтимоий фаолияти янада тизимли тус олди.

**1.4. Давлат сиёсати ва ижтимоий муҳофаза соҳасидаги Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:**

2018 йил 26 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг **309-сонли “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги қарори билан ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжат профилактика инспекторининг бундай шахслар билан ҳамкорликда иш юритиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди.

**2024 йил 25 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 354-сонли қарори** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июндаги 354-сонли “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса Президент қароридан белгиланган вазифаларни амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Ушбу қарор билан тегишли вазирлик ва идоралар ўртасидаги ҳамкорлик механизми аниқ белгилаб берилди, жабрланувчилар билан ишлаш жараёнида профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, соғлиқни сақлаш ва меҳнат органлари ўртасида ахборот алмашишнинг электрон тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, 2024 йил 30 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг **801-сонли “Обод ва хавфсиз маҳалла» тамайили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан ижтимоий профилактика соҳасидаги янги босқич бошланди. Мазкур қарорга мувофиқ, **“Обод ва хавфсиз маҳалла» тамайили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика ишларини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга қаратилган Низом** тасдиқланди.

Низомда маҳалла “еттилиги” тизими томонидан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, ҳамкорлик шакллари ҳамда масъул субъектлар вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, мазкур қарорга мувофиқ **“E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими** жорий этилди. Бу тизим ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида электрон маълумотлар алмашинувини таъминлайди, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тизимли таҳлил қилиш ва уларга ҳуқуқий, психологик, тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштириш имконини беради.

#### **1.4. Ички ишлар вазирлиги идоравий ҳужжатлари:**

Профилактика инспекторлари фаолиятини бевосита тартибга солувчи асосий идоравий манбалар сифатида Ички ишлар вазирлигининг **2017 йил 12 июлдаги 151-сонли буйруғи ва 2019 йил 11 июлдаги 181-сонли буйруғи** муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатларда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, **“нотинч оила”** тушунчаси, жабрланувчи хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақоми, профилактика инспекторининг улар билан ишлаш тартиби ва ҳисобот юритиш механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш фаолияти инсон қадрини улуғлаш ва ҳуқуқий давлат қуриш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараённинг ҳуқуқий асослари Конституция, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг идоравий буйруқларида белгиланган.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жабрланувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги, энг аввало, профилактика инспекторининг касбий малакаси, масъулияти ва турли давлат ҳамда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигига боғлиқ. Шу сабабли, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг психологик ва ахборот-коммуникация кўникмаларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жабрланувчиларни жамият ҳаётига қайта мослаштиришда давлат органлари, маҳалла тизими ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни кучайтириш талаб этилмоқда. Бу ҳамкорлик профилактика ишларини самарали ташкил этиш, жабрланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

#### **References, Литературы, Adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
3. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2023 йилдаги ПФ-209-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 30.11.2024 йилдаги 801-сон .
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ–3827-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сонли қарори.
10. 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ–561-сон).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ–5116-сонли қарор.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сонли Фармон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги ПҚ–175-сонли қарор.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги ВМ–801-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ–253-сонли қарори.
17. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрда қабул қилинган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ–996-сон)..